



Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги



Ўзбекистон Республикаси Олий  
таълим, фан ва инновациялар  
вазирлиги хузуридаги Билим ва  
малакаларни баҳолаш агентлиги

**ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ ВА  
УСТАМА ТЎЛАШ ТАРТИБИ БЎЙИЧА**

**УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ - 2024



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР  
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БИЛИМ ВА МАЛАКАЛАРНИ БАҲОЛАШ АГЕНТЛИГИ

---

**ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ ВА УСТАМА  
ТҮЛАШ ТАРТИБИ БҮЙИЧА**

**УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ - 2024**

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....	4
ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ УЧУН АРИЗА БЕРИШ ..	4
МАЛАКА ИМТИҲОНИ ПАЙТИ ВА ЖОЙИ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРИШ.....	6
МАЛАКА ИМТИҲОНИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТҮЛӨВ МИҚДОРИ .....	6
МАЛАКА ИМТИҲОНИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТҮЛӨВ БҮЙИЧА ИМТИЁЗЛАР МАВЖУДМИ? .....	7
ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ МЕЗОНЛАРИ .....	8
ТАЛАБГОР МАЛАКА ИМТИҲОНИДА ИШТИРОК ЭТА ОЛМАЙДИГАН БҮЛСА, НИМА ҚИЛИШИ КЕРАК? .....	8
МАЛАКА ИМТИҲОНИНИ ЎТКАЗИШ ШАКЛИ.....	9
ТАЛАБГОР ҚАЙСИ ҲОЛЛАРДА ТЕСТ СИНОВИДАН ЧЕТЛАШТИРИЛГАН ҲИСОБЛАНАДИ? .....	9
ТЕСТ СИНОВИ УЧУН ҚАНЧА ВАҚТ АЖРАТИЛАДИ?.....	10
МАЛАКА ИМТИҲОНИ БҮЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕСТ СИНОВЛАРИ ТАРКИБИ .....	11
АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ.....	13
ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРДАН МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТГА ЭГА ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ИМТИЁЗЛАР .....	14
ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРДАН МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТГА ЭГА ШАХСЛАРГА УСТАМАЛАР ТҮЛАШ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ? .....	15
<u>ИЛОВАЛАР .....</u>	<u>16</u>

## КИРИШ

Чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва устама тўлаш тартиби бўйича услугий қўлланма (*кейинги ўринларда – Кўлланма деб аталади*) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги (*кейинги ўринларда – Агентлик деб аталади*) билан биргаликда ишлаб чиқилган.

Кўлланма чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва уларга устама тўлашда **ягона хуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш мақсадида** ишлаб чиқилди.

Кўлланмада чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва уларга устама тўлаш асослари, тартиби ва шартлари, бундай тўловларни расмийлаштириш тартиби ва хужжатларнинг намуналари ҳамда соҳани тартибга солувчи қонунчилик хужжатларига ҳаволалар келтириб ўтилган.

**Кўлланмани очиқ манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади** ва ундан **фойдаланиш бепул ҳисобланади**.

Қонунчилик хужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу Кўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли Кўлланма янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

**Мазкур услугий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**

## УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур қўлланма чет тилини билиш даражасини аниқлаш, тегишли даражадаги сертификатга эга бўлган педагог кадрларга устама тўлашда ҳуқуқни қўллаш амалиётини тартибга солади.

Қўлланма талабгорларнинг чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва уларга устама тўлаш учун методик қўлланма вазифасини ўтайди.

Мазкур қўлланмада қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ваколатли орган** – Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги;

**малака имтиҳони** – талабгорнинг чет тилини билиш даражасини тест синови, ёзма иш ва оғзаки суҳбат ўtkазиш йўли билан аниқлаш шакли;

**чет тилини билиш даражаси тўғрисида сертификат (кейинги ўринларда — малака сертификати)** – малака имтиҳонидан муваффақиятли ўтган талабгорга 2 йил муддатга бериладиган QR-код (матрик штрихли код) қўйилган чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи давлат намунасидаги ҳужжат;

**чет тилини билиш даражаси тўғрисида маълумотнома (кейинги ўринларда — маълумотнома)** – малака имтиҳонидан муваффақиятли ўтган чет тиллари ўқитувчиларига 3 йил муддатга бериладиган QR-код (матрик штрихли код) қўйилган чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи давлат намунасидаги ҳужжат.

### ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ УЧУН АРИЗА БЕРИШ

Чет тилини билиш даражасини аниқлаш бу **мажбурият эмас**, балки жисмоний шахснинг бевосита **ҳуқуқи** ҳисобланади.

Малака имтиҳони ваколатли орган томонидан давлат таълим стандартларига мувофиқ тайёрланган топшириқлар асосида қўйидаги форматда ўтказилади:

**бир даражали (A2, Б1, Б2, С1)**

**кўп даражали (Мулти-левел)**

**БУНИ  
БИЛИШ  
ЗАРУР**

Малака сертификати ёки маълумотнома малака имтиҳони якунлари бўйича энг юқори баллнинг **камида 60 фоизини** тўплагандა ёки кўп даражали тест синовлари якунлари натижаларини белгиловчи жадвал асосидаги баллар бўйича берилади.

Ваколатли орган ишлаб чиққан ва илмий-методик кенгаш томонидан тасдиқланган кўп даражали тест топшириқларининг қийинлик даражаси бўйича малака имтиҳони натижаларини белгиловчи жадвал Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Малака имтиҳонининг ўтказиш муддатлари ваколатли орган томонидан белгиланади ҳамда **ЯИДХПга** киритиб борилади.

**Унумтман!**

Талабгор сўровномани тўлдириш жараёнида ваколатли орган томонидан ўтказилиши белгиланган чет тиллари доирасида малака **имтиҳони кунини** танлайди.

**Чет тилини билиш даражасини аниқлаш учун ариза қай тартибда берилади?**

Талабгор сўровномани мустақил равища ЯИДХП орқали электрон шаклда тўлдиради (**1-иловага қаранг**).

**Иловадаги  
намунага  
қаранг**

Сўровнома намунаси 2-иловада кўрсатилган.

Талабгор ўзининг шахсий маълумотларини киритиб бўлгач, тест топшириладиган **хорижий тил турини**, сўнgra тест топшириш **худудини** танлайди.

Кейин тест синови ўтказиладиган **санани** белгилайди ва **синов даражасини** кўрсатади.



Талабгордан сўровномани электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда — ЭРИ) билан тасдиқлаш **талаф этилмайди**.

Оҳирги қадамда талабгор ўзи томонидан тўлдирилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириб чиққандан сўнг белгиланган тўловни тўлайди.

Талабгорга сўровнома расмийлаштирилганидан сўнг ваколатли орган томонидан ЯИДХП орқали тест синовидан ўтиш қоидалари тўғрисидаги эслатма берилади.

## БУНИ БИЛИШ ЗАРУР

Талабгорнинг сўровномасида унинг электрон манзили кўрсатилиши мумкин. Сўровномада талабгор электрон манзилининг кўрсатилганлиги унинг сўровнома бўйича қабул қилинганд қарор, малака имтиҳони натижалари юзасидан апелляция хуносаси ҳақида ахборот тизими орқали хабарнома олишга розилигини англатади.

- ! Талабгордан сўровномасидаги ҳужжатлардан бошқа қўшимча ҳужжатлар талаб этилмайди.**

### МАЛАКА ИМТИҲОНИ ПАЙТИ ВА ЖОЙИ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРИШ

Талабгор малака имтиҳонини ўтказиш **жойи ва аниқ вақти** тўғрисида ваколатли орган томонидан ЯИДХП орқали ҳамда ахборот-коммуникация тизими орқали малака имтиҳони санасидан **3 кун олдин** хабардор қилинади.

Маълумотнома олиш учун малака имтиҳонлари йил давомида **2 марта** — апрель ҳамда октябрь ойларида ўтказилади.



Талабгорлар малака имтиҳонлари учун йил давомида рўйхатга олинади.



Талабгорларни рўйхатга олиш апрель ойида ўтказиладиган малака имтиҳони учун **31 март** санасида, октябрь ойида ўтказиладиган малака имтиҳони учун **30 сентябрь** санасида якунланади.

### МАЛАКА ИМТИҲОНИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТЎЛОВ МИҚДОРИ

Чет тилини билиш даражасини аниqlаш бўйича малака имтиҳонида иштирок этиш учун талабгордан:


малака сертификати учун — ариза берилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир ярим баравари** миқдорида;



маълумотнома учун — ариза берилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир баравари** миқдорида тўлов ундирилади.



## МАЛАКА ИМТИҲОНИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТҮЛОВ БҮЙИЧА ИМТИЁЗЛАР МАВЖУДМИ?



Давлат хизмати кўрсатилиши учун рўйхатдан ўтиш ЯИДХП орқали амалга оширилганда талабгордан белгиланган тўлов миқдорининг 90 фоизи ундирилади.



«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур давлат хизматини кўрсатишда белгиланган тўловнинг 50 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади.



Академик лицейларнинг битирувчи босқич ўқувчилари учун тўртинчи семестр давомида фақат бир марта бепул ташкил этилади.



**Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишда уларни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортших ҳуқуқига эга.**

**Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси қўриб чиқилмасдан қолдирилади ва тўланган тўлов суммаси қайтарилмайди.**

**Малака имтиҳони учун талабгорларни рўйхатга олиш қачон якунланади?**

Малака имтиҳони учун талабгорларни рўйхатга олиш танланган ойнинг белгиланган имтиҳон санасидан камида **12 кун олдин** якунланади.

## ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Чет тилини билиш даражаси **тест синови, ёзма иш ва гапириш кўникмасини** баҳолаш йўли билан аниқланади, у қўйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

### «тинглаб тушуниш»

бўлими — оғзаки нутқни қабул қилиш кўникмаларини, эштилган матнлардаги асосий фикр ва детални тушуниш маҳоратини текширади

«ўқиши» бўлими — ўқилган матнлардаги асосий фикр ва детални тушуниш маҳоратини текширади

«ўқиши» бўлими — ўқилган матнлардаги асосий фикр ва детални тушуниш маҳоратини текширади

«ўқиши» бўлими — ўқилган матнлардаги асосий фикр ва детални тушуниш маҳоратини текширади

## ТАЛАБГОР МАЛАКА ИМТИҲОНИДА ИШТИРОК ЭТА ОЛМАЙДИГАН БЎЛСА, НИМА ҚИЛИШИ КЕРАК?

Талабгор узрли сабабларга кўра малака имтиҳонида иштирок эта олмайдиган бўлса ёки иштирок этмаса, малака имтиҳони ўтказилган санадан **3 кундан кечикмай** ЯИДХП орқали ваколатли органга мурожаат этиши лозим.

Бу ҳолда талабгордан узрли сабабни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш талаб қилинади.

### Узрли сабаблар

касаллик

хизмат сафарида бўлганлик

оила аъзоларининг вафот этганлиги

### БУНИ БИЛИШ ЗАРУР

Талабгор белгиланган малака имтиҳонига кечиккан ёки узрсиз сабабга кўра келмаган ҳамда малака имтиҳони қоидаларини бузганлик учун аудиториядан чиқариб юборилган тақдирда амалга оширилган тўлов талабгорга **қайтарилмайди**.

Талабгор кечиккан тақдирда малака имтиҳонига **қўйилмайди**.

## МАЛАКА ИМТИҲОНИНИ ЎТКАЗИШ ШАКЛИ

Малака имтиҳони **қоғозларда** ёки **компьютер** (онлайн платформа)да ўтказилиши мумкин.

Малака имтиҳонини ўтказиш жойи ваколатли орган томонидан белгиланади ҳамда малака имтиҳони ваколатли орган томонидан тасдиқланган имтиҳон комиссияси аъзолари ва кузатувчилар иштироқида ўтказилади.

### ЁДДА ТУТИНГ

*Малака имтиҳонини топширишда талабгор фуқаролик паспорти, идентификация ID-картаси ёки туғилганлик түғрисидаги гувоҳноманинг аслини тақдим этади. Паспорт ёки идентификация ID-картаси ёки туғилганлик түғрисидаги гувоҳномага эга бўлмаган ёхуд малака имтиҳонига кечиккан талабгорлар имтиҳонга келмаган ҳисобланади.*

## ТАЛАБГОР ҚАЙСИ ҲОЛЛАРДА ТЕСТ СИНОВИДАН ЧЕТЛАШТИРИЛГАН ҲИСОБЛАНАДИ?

### Талабгор тест синовларидан четлаштирилайдиган ҳолатлар:

тест синови ўтказилаётган аудиторияга ҳар қандай адабиёт, шпаргалка ёки телекоммуникация ва техника воситаларини олиб кирса;

тест синови ўтказилаётган вақтда бошқа талабгорлар билан мулоқот қилса;

тест материалларини аудиториядан олиб чиқишига, саволлар китобини йиртиб олишга, саволларни кўчириб олишга ҳаракат қилса;

саволлар китобини бошқа талабгорларга берса, тест синовини ўтказиш жараёнига халақит қилса;

тест синовлари учун ажратилган вақт тугагандан сўнг тест материалларини топширишдан бош тортса;

тест синовлари жараёнида видеокузатувлар орқали талабгорнинг тартиб ва қоидаларга амал қилмаганлиги аниқланса.

## ТЕСТ СИНОВИ УЧУН ҚАНЧА ВАҚТ АЖРАТИЛАДИ?

### A2 даражаси

«тинглаб тушуниш» учун — **40** дақиқа, «ўқишиш» учун — **40** дақиқа, «ёзма иш» учун — **40** дақиқа, «гапириш» учун — **10** дақиқа;

### B1 даражаси

«тинглаб тушуниш» учун — **45** дақиқа, «ўқишиш» учун — **60** дақиқа, «ёзма иш» учун — **45** дақиқа, «гапириш» учун — **15** дақиқа;

### B2 даражаси

«тинглаб тушуниш» учун — **45** дақиқа, «ўқишиш» учун — **60** дақиқа, «ёзма иш» учун — **60** дақиқа, «гапириш» учун — **15** дақиқа;

### C1 даражаси

«тинглаб тушуниш» учун — **40** дақиқа, «ўқишиш» учун — **60** дақиқа, «ёзма иш» учун — **60** дақиқа, гапириш учун — **15** дақиқа;

### кўп даражали

«тинглаб тушуниш» учун — **45** дақиқа, «ўқишиш» учун — **60** дақиқа, «ёзма иш» учун — **60** дақиқа, «гапириш» бўлими учун — **15** дақиқа;

### маълумотнома олиш малака имтиҳони

«тинглаб тушуниш» учун — **40** дақиқа, «ўқишиш» учун — **60** дақиқа, «ёзма иш» учун — **60** дақиқа, «гапириш» учун — **15** дақиқани ташкил этади.

## МАЛАКА ИМТИҲОНИ БҮЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕСТ СИНОВЛАРИ ТАРКИБИ

Малака сертификати олиш малака имтиҳонининг ҳар бир даражага учун ўтказиладиган тест синови:

«тинглаб тушуниш», «ўқиш» бўлимларининг ҳар бири **30** та саволдан;

«ёзма иш» бўлими 2 та ёзма топшириқдан (даражага боғлиқ ҳолда биринчи топшириқ — **30** — **150** та сўздан, иккинчи топшириқ — **50** — **250** та сўздан);

«гапириш» бўлими топшириқларнинг **учта туридан** иборат бўлади.




«тинглаб тушуниш» ва «ўқиш» бўлимларининг ҳар бири **35** та топшириқдан;

«ёзма иш» бўлими иккита ёзма топшириқдан (биринчи топшириқ — **100** — **150** та сўздан, иккинчи топшириқ — **200** — **250** та сўздан);

«гапириш» бўлими топшириқларнинг **3** та туридан иборат бўлади.

### Маълумотнома олиш малака имтиҳонининг тест синови:



Чет тиллари бўйича намунавий тестлар Агентликнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади ([Кўлланмага б-иловага қаранг](#)).

**БУНИ БИЛИШ  
ЗАРУР**

Талабгор жавоблар варақалари билим даражасини белгиловчи асосий ҳужжат бўлганлиги учун уни **тўғри тўлдиришга** масъул ҳисобланади.

Ваколатли орган тест синовлари натижаларини улар якунланган кундан бошлаб **бир ҳафтадан кечикмай** ўзининг расмий веб-сайтида эълон қиласди.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSİYALAR VAZIRLIGI HUZURIDAGI  
BILIM VA MALAKALARNI BAHOLASH AGENTLIGI

AGENTLIK HAQIDA

AXBOROT XIZMATI

FAOLIYAT

XALQARO HAMKORLIK

OCHIQ MA'LUMOTLAR

Asosiy / Yangiliklar / Chet tili imtihoni natijalari e'lon qilindi

## Chet tili imtihoni natijalari e'lon qilindi

Yangiliklar

14-12-2023 | 1065

2023-yil 25-noyabrdan 7-dekabrga qadar bo'lib o'tgan **chet tilini bilish** darajasini **aniqlash** test sinovi natijalari e'lon qilindi.

Test natijalari [my.gov.uz](#) saytida e'lon qilingan bo'lib, talabgorlar "**Mening arizalarim**" bo'limidan o'z natijalari bilan tanishishlari mumkin.

Тест синови ҳар бир бўлим мининг энг юқори баҳоси **30 баллни** ва барча бўлимлар учун максимал баҳо **120 баллни** ташкил этади.

Тест синови якунлари бўйича энг юқори баллнинг **60 фоизи - 72 баллдан кам** балл олган талабгор даража шартларини бажармаган деб ҳисобланади.

Кўп даражали формат бўйича тест натижалари қийинлик даражаси бўйича белгиланган малака имтиҳон натижаларини белгиловчи жадвалга мувофиқ эълон қилинади.


Тест синови натижаларига кўра ижобий баҳоланмаган талабгорлар навбатдаги тест синовларида иштирок этиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган, қайта тўловни амалга оширган тақдирда тест синовларига қўйилади.

**БУНИ БИЛИШ  
ЗАРУР**

Тест синови ўтказилиши жараёнида талабгор томонидан танланган ойда **фақат битта чет тилидан тест топширишига** руҳсат этилади.

Тест синовлари якунланган кундан бошлаб бир ҳафта ичida тестология меъёрлари **бузилиши ҳолати аниқланса**, ваколатли орган тест синови **натижаларини бекор қиласди**.

## Тестология меъёрлари бузиладиган ҳолатлар:



**БУНИ БИЛИШ  
ЗАРУР**

*Test синови натижалари бекор қилинган ҳолатда талабгорларнинг хоҳишига кўра ваколатли органга келиб тушган тўлов миқдори қайтарилади ёки қайта test синовлари ташкил этилади.*

Ваколатли орган имтиҳон натижалари тўғрисидаги буйруқ чиқарилганидан бошлаб **1 иш куни** мобайнида малака имтиҳонидан муваффақиятли ўтган талабгорларга QR-код қўйилган сертификат ёки маълумотноманинг электрон шаклини шакллантиради ва уни ўз ЭРИси билан тасдиқлайди ҳамда талабгорга ЯИДХП орқали юборади, ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг барча худудларида юридик кучга эга бўлади.

**ИЛОВАДАГИ  
НАМУНАГА  
ҚАРАНГ**

*Сертификат Кўлланмага 3-иловада кўрсатилган.  
Маълумотнома Кўлланмага 4-иловада кўрсатилган.*

## АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

Малака имтиҳонидан ўта олмаган талабгор малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб **3 иш кунида** ЯИДХП орқали ваколатли органга **апелляция шикояти** бериши мумкин. Мазкур хукуқни амалга ошириш учун талабгор ЯИДХПнинг таълим соҳасидаги хизматлар рўйхатидан **“Чет тили имтиҳони натижалари юзасидан апелляция бериш”** хизматини танлаб, ўзининг ариза рақамини киритиши лозим.

**ИЛОВАДАГИ  
НАМУНАГА  
ҚАРАНГ**

*Апелляция шикояти бериш сўровномаси Кўлланмага 5-иловада кўрсатилган.*

Апелляция шикоятини кўриб чиқиш учун ваколатли органнинг

**буйруғи билан** 3–7 нафар ваколатли орган ходимлари, тажрибали педагоглар ва малакали мутахассислардан иборат бўлган **Апелляция комиссияси** тузилади.

Апелляция шикояти **2 ҳафта мобайнида** кўриб чиқилади. Талабгор Апелляция комиссияси қарори тўғрисида ЯИДХП орқали хабардор қилинади.

Апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарорлар:

Малака имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляция шикояти қаноатлантирилишини рад этиш тўғрисидаги қарор қуидаги ҳолларда қабул қилинади:

тест синови натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляция шикояти қондирилишини рад этиш;

апелляция мазкур Регламент талабларини бузилган ҳолда тақдим этилган бўлса;

тест синовлари натижаларини ўзгартириш ва апелляция шикоятини қондириш.

апелляцияда кўрсатилган далиллар ўз тасдифини топмаса.

Малака имтиҳони натижаларини ўзгартириш ва апелляция шикоятини қондириш тўғрисидаги қарор шикоятда кўрсатилган далиллар ўз тасдифини топса қабул қилинади.

**!** Такрорий апелляцияга *йўл қўйилмайди*.

### ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРДАН МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТГА ЭГА ШАҲСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ИМТИЁЗЛАР

✓ 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларининг камидаги **C1 даражадаги** сертификатга эга хорижий тиллар (*инглиз, француз, немис, испан, итальян, араб, хитой, япон, корейс, турк, форс, пушту, дари, урду, ҳинд*) ўқитувчиларига уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик **50 % миқдорида** қўшимча устама ҳаки тўланади.

**БУНИ БИЛИШ ЗАРУР**

Бунда, умумий ўрта, ўрта маҳсус ва профессионал таълим муассасалари ўқитувчиларининг камидаги **C1 даражадаги** халқаро сертификатни олиш учун имтиҳон топшириши билан боғлиқ харажатлари Давлат бюджетидан педагог кадрлар малакасини ошириш учун ажратиладиган маблағлар, давлат олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг харажатлари эса олий таълим муассасаларининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

✓ Умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларининг камидаги **C1 даражадаги** сертификатга эга хорижий тиллар ўқитувчилари аттестация жараёнида малака синови учун максимал балл билан баҳоланиб, хорижий тил модули бўйича **синовдан озод этилади**.

Бунда, мазкур сертификатни олиш муқобил малака ошириш шакли сифатида тан олинади.

### МАЪЛУМОТ УЧУН

*Умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида фаолият юритаётган барча хорижий тиллар ўқитувчиларига Давлат бюджетидан замонавий адабиёт, дарслик ва ўқув қўлланмаларини сотиб олиши учун 1 млн сўмдан маблағ ажратилиди.*

*Бунда, тавсия этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг рўйхати ҳамда уларни сотиб олганлик тўғрисида ҳисобот шакли Халқ таълими вазирлиги ва Агентлик томонидан белгиланади.*

✓ 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларининг **магистратура мутахассисликлари** ҳамда **олий таълимдан кейинги таълим ихтисосликлари** танловларда филология йўналишлари бўйича камидаги, нофилологик йўналишлари бўйича эса В2 даражадаги сертификатга эга шахслар иштирок этиши тартиби жорий этилган.

✓ 2022 йил 1 январдан бошлаб хорижий тиллардан миллий ва халқаро сертификатга эга давлат бошқарув идораларининг барча бўғинлари ходимларига лавозим маошига нисбатан **20 % гача қўшимча устама** ташкилотларнинг бюджетдан ташқари ҳамда иш ҳақи фонди доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади.

### ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРДАН МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТГА ЭГА ШАҲСЛАРГА УСТАМАЛАР ТЎЛАШ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Сертификатга эга бўлган шахс **аризага** сертификатни илова қилган ҳолда иш берувчига мурожаат қиласи.

#### ИЛОВАДАГИ НАМУНАГА ҚАРАНГ

*Ариза намунаси Кўлланмага 7-иловада кўрсатилган.*

Аризага асосан иш берувчи томонидан ариза келиб тушган куни қўшимча устама тўлаш ҳақида буйруқ қабул қилинади. Буйруқда устама қайси даврга қадар тўланиши тўғрисида ёзилади.

#### ИЛОВАДАГИ НАМУНАГА ҚАРАНГ

*Буйруқ намунаси Кўлланмага 8-иловада кўрсатилган.*

## ИЛОВАЛАР

**Кўлланмага**  
**1-илюва**

### ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ УЧУН АРИЗА БЕРИШ БОСҚИЧЛАРИ

#### 1-босқич

Bosh sahifa > Xizmatlar ro'yhati > Ta'llim > Chet tilini bilish darajasini aniqlash

**Chet tilini bilish darajasini aniqlash**

Jismoniy shaxslarga ko'rsatiladi Yarimavtomatik

- Bu qanday ishlaysdi?**
- Tashkilot
- Bog'lanish
- Xizmatdan foydalanuvchilar
- Xizmatni ko'rsatish uchun kerak bo'ladigan hujjatlar
- Xizmatni ko'rsatishning huquqiy asosi
- Xizmat narxi

Xizmatdan foydalanish >

Ulashish >



Arizani to'ldirish uchun ketadigan vaqt (daqiqa): **4**

O'rtaча baho

 Baholashdi: 1595 odam

#### 2-босқич

Xizmat: Chet tilini bilish darajasini aniqlash

Jismoniy shaxsening kabineti > Xizmatlar > Ta'llim

Qadam 1 Oferta      Qadam 2 Arizachi haqida ma'lumot      Qadam 3 Test topshirish uchun joy va oyni tanlash      Qadam 4 Tolov

"Keyingi" tugmasini bosish orqali siz Ommaviy oferta talablarini qabul qilasiz.

Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha malaka imtihonida qatnashish uchun ro'yxatdan o'tish to'g'risida oferta shartnomasi

Ushbu hujjat O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazining (keyingi o'rnlarda ijrochi deb yuritiladi) rasmili taklifi (oferta) bo'lib, chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha (keyingi o'rnlarda - malaka imtihoni) da qatnashish uchun ro'yxatdan o'tish bo'yicha barcha zarur shartlarni o'z ichiga oladi. Mazkur xizmat O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamасining "Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha davlat xizmatlari ko'rsatishning marmuriy reglamentini tасdiqlash to'g'risida" 2022-yil 16-fevraldaги 73-son qarori asosida ko'rsatiladi. O'zbekiston Respublikasi Fugoroliq Kodeksining 370-moddasi 4-bandiga muvofiq. Ofertada keltirilgan shartlarni qabul qilish va zarur hollarda hag to'lash orqali jismoniy shaxs ushbu taklifni qabul qilganligini tasdiqlaydi hamda Talabgor bo'lib hisoblanadi. Ijrochi va Talabgor bиргаликда shartnomaning tarafalar hisoblanadi (keyingi o'rnlarda Taraflar deb yuntildi).

Shartnomada qo'llanilan atamalar

Oferta — Bir yoki bir necha muayyan shaxsiga yuborilgan, yetarli darajada aniq bol'gan va taklifni kiritgan shaxsnинг o'zini taklif yo'llangan va uni qabul qiladigan shaxs bilan shartnomaga tuzgan deb hisoblash niyatini ifoda etadigan taklif.

Aksept — Talabgorning ofertani to'liq va pisandasiz qabul qilganligi haqidagi javobi bo'lib, tarafalar tomonidan shartnomaning yozma nusxasini imzolamasdan shartnomaga tuziladi.

Shartnomani ofertada ko'rsatilgan shartlardan boshqacha shartlar asosida tuzish to'q'risidagi javob aksept hisoblanmaydi.

Keyingisi >

#### 3-босқич

Xizmat: Chet tilini bilish darajasini aniqlash

Jismoniy shaxsening kabineti > Xizmatlar > Ta'llim

Qadam 1 Oferta      Qadam 2 Arizachi haqida ma'lumot      Qadam 3 Test topshirish uchun joy va oyni tanlash      Qadam 4 Tolov

Topshirish tili \*

Sinov o'tkazilgan hudud \*

Test sinovi sanasi \*

Sinov darajasi \*

Oldingisi < Keyingisi >

## 4-босқич

**Xizmat: Chet tilini bilish darajasini aniqlash**

Jismoniy shaxsnинг кабинети > Xizmatlar > Talim

Xatolikni oldini olish maqsadida ma'lumotlaringizni yana bir bor tekshiring!

**SMS-xabar**

SMS xabar qabul qilishga hamda abonent hisobimdan har bir kiruvchi xabar uchun to'lov yechib olinishiga roziman (har bir kiruvchi SMS xabarga 40 so'm). "HUMANS" abonentlari diqqatiga: Kompaniya bilan tegishli integratsiya jarayonlari amalga oshirilmaganligi sababli SMS xabarnoma jo'natilmasligini ma'lum qilamiz.

Tелефонraqami:  
998977428688

**Oferta**

Telefon raqamingizni OneID tizimida o'zgartirishingiz mumkin. Ma'lumotlar tahrir qilingach, MY.GOV.UZ portalidan qayta avtorizatsiyadan o'tish talab qilinadi.

**To'lovgaga imtiyoz**

Ro'yxatdan o'tmagan / nogironligi yo'q  
 Ro'yxatdan o'tgan / Nogiron / Ijtimoiy himoya yagona reestriga kiritilgan

Batafsil ma'lumot

Xato va kamchiliklarni to'g'irlanganidan keyin qayta yuborilayotgan ariza bo'lsa, avvalgi arizaning raqamini ko'rsating:

Avvalgi ariza raqami:

**Qoshimcha ma'lumotlar**

Mazkur xizmatning natijasini qaysi tilda olmoqchisiz?  
O'zbekcha

Активация Windows  
Чтобы активировать Windows

## 5-босқич

**Xizmat: Chet tilini bilish darajasini aniqlash**

Jismoniy shaxsnинг кабинети > Xizmatlar > Talim

Qadam 1                          Qadam 2                          Qadam 3                          Qadam 4

Oferta                              Arizachi haqidagi ma'lumot                      Test topshirish uchun joy va oyni tanlash                      To'lov

**Ariza to'g'risida ma'lumot**

Ariza raqami	107269530
Xizmat nomi	Chet tilini bilish darajasini aniqlash
Tashkilot	Bilim va malakalarni baholash agentligi
Berilgan sana	26.12.2023 18:53
Holati	To'lov jarayonida
Hozirgi amal	To'lov

**QR orqali to'lov**



QR to'lovlari qanday o'tkaziladi? ▾  
To'lov ma'lumotlari ▾

Veb-saytda to'lash  
Ulashish  
Arizalarga qaytish

**Чет тилини билиш даражасини аниклаш бўйича давлат хизматларидан  
фойдаланиш учун сўровнома  
Намунаси**

(санаси)	(рақами)
<b>1. Ф.И.О.:</b>	
2. Паспорт (туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, идентификацияловчи ID-картаси) маълумотлари (серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, агар мавжуд бўлса):	
3. 3,5 x 4,5 см ўлчамдаги электрон фотосурат*	
4. Доимий яшаш манзили (вилоят, шаҳар/туман, кўча, уй):	
5. Ҳозирги вақтдаги ўқиш/иш жойи ва лавозими:	
6. Телефон рақами:	
7. Электрон почта манзили (e-mail):	
8. Қонунчилик хужжатларида белгиланган бепул топшириш имтиёзига эгалиги ( <i>академик лицейларнинг битириувчи курс ўқувчилари**</i> ):	
9. Қонунчилик хужжатларида белгиланган чегирма қўлланилиш ҳуқуқига эгалиги ( <i>«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар</i> ):	
10. Чет тиллари ўқитувчилари учун маълумотнома бериш тест синовлари***	
11. Имтиҳон топшириш куни:	
12. Имтиҳон топшириш ҳудуди:	
13. Имтиҳон топшириш тили ва даражаси:	

\* 3,5 x 4,5 см ўлчамдаги электрон фотосурат фуқаролиги бўлмаган шахслар, 16 ёшга тўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари томонидан илова қилинади.

\*\* академик лицей битириувчи босқич ўқувчилари учун тўртинчи семестр давомида фақат бир марта бепул ташкил этилади ҳамда имтиҳон санаси, тили ва даражаси ваколатли орган томонидан белгиланади.

\*\*\* бунда хорижий тиллар ўқитувчилари ваколатли орган томонидан белгиланган саналарда Чет тилидан малака ва уни билиш даражаси бўйича маълумотнома учун малака имтиҳонига рўйхатдан ўтадилар.

Чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги сертификат  
Лойиҳаси

Чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги сертификатнинг  
ДАВЛАТ НАМУНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР  
МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ  
МАРКАЗИ

STATE TEST CENTER UNDER THE  
CABINET OF MINISTERS OF THE  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИ ТЎҒРИСИДА  
СЕРТИФИКАТ

CERTIFICATE  
OF FOREIGN LANGUAGE PROFICIENCY

Сертификат № | Reference umber

Талабгор тўғрисидаги маълумотлар |Candidate details:

Шахсни тасдиқловчи

хужжат серия ва рақами | ID series and number:

Фамилияси | Surname:

Исми |First name:

Отасининг исми | Patronymic Name:

Фотосурат

Чет тили |  
Foreign language:

Даража  
|Level:

Тест синови  
натижалари |  
Test results:

Тинглаб  
тушуниш |  
Listening:

Ўқиш  
|Reading:

Ёзиш  
Writing:

Гапириш |  
Speaking:

Умумий  
балл |  
Overall  
score:

Берилган санаси | Date  
of Issue:

Амал қилиш муддати |  
Valid until:

Директор |  
Director

QR — код

Ф.И.О. | Full Name

**Чет тилини билиш даражасини аниқлаш малака имтиҳони натижаси  
бўйича маълумотноманинг  
ДАВЛАТ НАМУНАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим,  
фан ва инновациялар вазирлиги  
хузуридаги Билим ва малакаларни  
баҳолаш агентлиги

STATE TEST CENTER UNDER THE CABINET  
OF MINISTERS OF THE REPUBLIC OF  
UZBEKISTAN

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ**

**ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИСН ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАСН МАЛАКА ИМТИНОНИ НАТИЖАСИ  
БЎЙИЧА МАЪЛУМОТНОМА**

Маълумотнома рақами	
Жисмоний шахснинг шахсий идентификатсия рақами (ЖСНСНИР)	
Фамилияси	
Исми	
Отасининг исми	
Чет тили	

Тест синови натижалари	Тинглаб тушуниш	Ўқиш	Ёзма иш	Гапириш	Умумий натижа
Балл					
%					
Берилган санаси:			Амал килиш муддати:		

Директор

QR — код

Ф.И.О.

**Чет тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича имтиҳон натижалари  
юзасидан апелляция шикоятини бериш учун  
сўровнома намунаси**

(санаси)

(рақами)

1. Ф.И.О.:	
2. Паспорт (туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, идентификацияловчи Ид-картаси) маълумотлари (серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, агар мавжуд бўлса):	
3. Доимий яшаш манзили (вилоят, шаҳар/туман, кўча, уй):	
4. Телефон рақами:	
5. Электрон почта манзили (е-маил):	
6. Имтиҳон санаси:	
7. Тил:	
8. Даражা:	
9. Шикоятнинг қисқача мазмуни:	

## ТЕСТ НАМУНАЛАРИ

 <b>ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИ ТЕСТИ (MULTILEVEL)</b>  <a href="#">Инглиз</a> <a href="#">Немис</a> <a href="#">Араб</a>	 <b>ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИ ТЕСТИ</b>  <a href="#">Инглиз B1 намуна_1</a> <a href="#">Немис B1</a> <a href="#">Француз B1</a> <a href="#">Араб B1</a>	 <b>ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИ ТЕСТИ</b>  <a href="#">Немис B2</a> <a href="#">Француз B2</a> <a href="#">Араб B2 намуна 1</a> <a href="#">Араб B2 намуна 2</a> <a href="#">Хитой B2</a> <a href="#">Корейс B2</a>	 <b>ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИ ТЕСТИ</b>  <a href="#">Инглиз C1 намуна_1</a> <a href="#">Немис C1</a> <a href="#">Француз C1</a> <a href="#">Араб C1</a>
 <b>ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИ ТЕСТИ</b>			

Активация Windo

*Чет тили даражасини аниқлашга мувофиқ намунавий тестлар Агентликнинг  
расмий веб-саҳифасида жойлаштирилган: [https://uzbmb.uz/page/test\\_namunalari](https://uzbmb.uz/page/test_namunalari)*

**Корхона (идора) раҳбарига**

**Бўлим бошлиғи Б.Х.дан**

### **АРИЗА**

Мен 2023 йил 18-декабрьда хорижий тиллардан миллий ва халқаро 111111111-сонли сертификатга эга бўлдим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5117-сон қарорининг 7-бандида 2022 йил 1 январдан бошлаб хорижий тиллардан миллий ва халқаро сертификатга эга давлат бошқарув идораларининг барча бўғинлари ходимларига лавозим маошига нисбатан 20 фоизгача қўшимча устама ташкилотларнинг бюджетдан ташқари ҳамда иш ҳақи фонди доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан тўланиши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, менга лавозим маошига нисбатан 20 фоизгача қўшимча устама тўланишида амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

**Ф.И.Ш.**

*Кўлланмага  
8-илова*

**20.12.2023 йил**

**11-сон**

### **БУЙРУҚ**

#### **Қўшимча устама тўлаш ҳақида**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5117-сон қарорининг 7-бандига асосан “.....” бўлими бошлиғи Б.Хга лавозим маошига нисбатан 20 фоиз миқдорида ташкилотнинг бюджетдан ташқари ҳамда иш ҳақи фонди доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан 2023 йил 20 декабрдан 2025 йил 20 декабрга қадар устама тўлаб борилиши белгилансин.

2. Молия-иктисод бўлими тегишли тўловларни амалга оширсин.

*Асос: Б.Х.нинг аризаси ва 2023 йил 18-декабрьдаги 1111111-сертификат нусхаси.*